



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 22 июль, № 150 (8493)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҲАР БИР ИНСОНГА МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ МАҚСАДИМИЗ ВА БУРЧИМИЗ

Президент Шавкат Мирзиёев 21 июль куни Тошкент шахрининг Сергели ва Олмазор туманларига ташриф буюриб, саноат корхоналари фаолияти, маҳалла ҳаёти билан танишди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Сергели туманидаги “Alutex” корхонасида бўлди.

Мамлакатимизда муқобил энергетикани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, куёш панеллари ўрнатиш бўйича кенг қўламли ишлар бошланган. Бу алюминий профилларга талабни оширмоқда.

Жорий йил май ойида “Alutex”

масъулияти чекланган жамияти томонидан ойна ва куёш панеллари учун профиллар тайёрлаш лойиҳаси ишга туширилди. Бу корхона 350 дан ортиқ турдаги, йилга 36 минг тонна алюминий профил ишлаб чиқариш қувватига эга.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги иш жараёни ва маҳсулотларни кўздан кечирди.

— Дунёдаги етакчи компаниялар би-

лан биргаликда умумий қуввати 15 гаватдан ортиқ куёш ва шамол станцияларини барпо этмоқчимиз. “Яшил” энергетика — маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз учун тайёр бозор, катта имконият. Фақат асосий талаб — сифат, — деди Президент.

Корхонага Италия, Жанубий Корея ва Туркиядан энг замонавий ускуна ва жиҳозлар келтириб ўрнатилган. Нати-

жада 400 та янги иш ўрни яратилган. Сентябрь ойидан қўшимча янги 130 турдаги алюминий профиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Импорт ўрнини босишдан ташқари, маҳсулотларнинг бир қисмини экспортга йўналтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилда Чилонзор туманига ташрифи чоғида “Ориент керамик” корхонасини бориб

кўрган, унинг фаолиятини кенгайтириш муҳимлигини айтган эди.

Шундан сўнг Сергели тумани ҳудудида яна бир завод қурилиб, хориждан илгор технология келтириб ўрнатилди. Корхона шу йил июнь ойида фаолият бошлаб, 450 киши иш билан таъминланди.

Президент Шавкат Мирзиёев унинг иш жараёни билан танишиб, маҳсулотлар сифатини кўздан кечирди.

Бу лойиҳанинг қиймати 42 миллион доллар бўлиб, йилига 10 миллион квадрат метр кафель ва керамогранит маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотлар деярли юз фоиз маҳаллий хомашёдан тайёрланиши боис хорижникидан бир неча баробар арзон. Уларнинг сифатли, турли ранг ва ҳажмда экани бозорбоплигини таъминламоқда.

Илгари бундай катта ўлчамдаги керамогранит кафеллар юртимизга импорт қилинар эди. Энди уларнинг ўрнини тўлдириш билан бирга, маҳсулотларнинг ярмини экспорт қилиш ҳам мумкин.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхона тажрибаси асосида янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кўрсатма берди.

Шу ерда Тошкент шахри туманлари ҳокимлари билан мулоқот бўлди. Улар тадбиркорлик, бандлик, бунёдкорлик лойиҳалари юзасидан ахборот берди.

— Ислохотларимиз, ҳудудларга бераётган имкониятларимиз натижасида ҳокимларнинг дунёқараши ўзгаряпти. Бугун Тошкент туманлари катта-катта марралар қўяпти. Энг катта масалалар — ишсизликни камайтириш, инвестиция олиб келиш ва экспорт. Мана, “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастурини бошладик. Бу ҳам аҳоли, ҳам тадбиркорлар учун катта имконият. Яна бир муҳим вазифа — “Яшил макон” умуммил-

лий лойиҳамиз. Кўчат экиш, боғ яратиш ишларини давом эттириш, яшил ҳудудларни кўпайтириш, одамларнинг дам олиши учун шароит ташкил қилиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тадбиркорлик, рақамлаштириш, хизматлар соҳасида хориж тажрибасини ўрганиш бўйича кўрсатмалар берилди. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шахри Олмазор туманидаги Хастимом маҳалласида бўлди.

Бу ерда 1 минг 500 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг кўпчилиги хунармандчилик ва савдо билан шуғулланади.

Давлатимиз раҳбари хонадонлардаги шароитларни кириб кўрди, аҳоли вакиллари билан суҳбатлашди. Нурунийлар маҳалладаги турмуш тарзи, ёшларнинг касб-кори ҳақида сўзлаб беришди. Юртимизга тинчлик-осойишталик, хонадонларга файзу барака тилаб дуо қилинди.

Маълумки, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари амалга оширилмоқда. Йўллар, муҳандислик тармоқлари таъмирланиб, хонадонларга файз кирмоқда. Бу маҳаллани ҳам “Обод хонадон” дастури асосида ободонлаштириш кўзда тутилмоқда.

— Ҳар бир инсонга муносиб шароит яратиш мақсадимиз ва бурчимиз, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари уйларда ташкил этилган хунармандлик устaxonалари ва маҳалладаги кичик кўргазмани кўздан кечирди. Ўзини ўзи банд қилишни кенгайтириш, туристлар учун савдо ва хизматларни йўлга қўйиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Икром АБВАЛБОВ,
Ўза мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Биз ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИГА МУВОФИҚ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Шу йил 10 — 20 июль кунлари Нью-Йорк (АҚШ)да бўлиб ўтган БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича олий даражадаги сиёсий форуми доирасида Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси Европа Иттифоқининг БМТ ҳузуридаги миссияси ва Европа парламенти билан биргаликда “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш” мавзига бағишланган махсус тадбир уюштирди.

Ушбу тадбир 2022 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан бир овоздан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг №77/159-сонли шу номдаги қарори ижроси муҳокамасига бағишланди.

Унда Европа парламенти аъзолари, Швеция, Канада, Покистон қонун чиқарувчи органлари, БМТнинг ихтисослаштирилган агентликлари, эксперт-таҳлил доиралар вакиллари, шунингдек, Осиё, Осиё — Тинч океани, Африка, Америка ва Европа давлатлари миссияларининг ходимлари иштирок этди.

Катнашчилар БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврдаги барқарор ривожланиш борасидаги кун тартибининг амалга оширилишига парламентларни фаол жалб қилиш ҳолати ва истиқболлари юзасидан ўзаро фикр алмашди. Парламент тузилмалари томонидан БРМга имкон қадар тезроқ эришиш учун инновацион ёндашувларни илгари сориш, шунингдек, бу борадаги хавф-хатар ва тўсиқларни самарали ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили Бахтиёр Ибрагимов ушбу тадбирни очар экан, давлатимиз раҳбари та-

шаббуси билан қабул қилинган Бош Ассамблеянинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш бўйича махсус резолюциясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берди. Ўзбекистон раҳбарининг тақдир қилган халқаро ҳамжамият томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганидан далолат берувчи ушбу муҳим ҳужжатнинг ҳаммуаллифи дунёнинг барча қитъаларини намёнён этувчи БМТга аъзо бўлган 80 давлат бўлгани қайд этилди.

Тадбир иштирокчиларига табрик сўзи билан юзланган Европа парламенти ривожланиш масалалари бўйича кўмитаси раиси Томас Тобе БРМни амалга оширишни жадаллаштириш кўп жиҳатдан миллий режалар ва стратегияларни ҳаётга татбиқ қилишга ҳамда давлат идораларининг ҳисобдорлигини оширишга боғлиқ эканлигини қайд этди. Бу жараёнда парламентларнинг янада фаол иштирокини таъминлаш, жумладан, аҳолининг барча қатлами, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни жалб қилишни таъминлаштириш муҳимлигини таъкидлади.



Сарҳисоб

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ

депутатлик корпусидан янгича ишлашни тақозо этмоқда

Ихчам ва масъулиятли ҳукумат, мустақил ва адолатли суд ҳамда кучли парламент халқпарвар давлатнинг муҳим бўғинлари ҳисобланади. Ўзбекистонда кейинги йилларда давлат бошқарувини янада демократлаштириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар ана шу бўғинлардан бири бўлиши миллий парламентимиз ваколатлари изчил кенгайтирилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди.

Эътиборлиси, умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда икки палата ишидаги такоррланишлар бартараф этилиб, ҳар бирининг ваколат доираси аниқ белгиланиши ҳам парламент аъзоларининг зиммасига улкан масъулият юкламоқда.

Депутатлар қандай қилиб сайловчилар-

нинг ишончини оқлашдек масъулиятли вазифанинг уддасидан чиқаётгани билан боғлиқ саволга жавобни Қонунчилик палатасининг 2023 йил биринчи ярим йиллидаги фаолияти яқунлари сарҳисобидан топшиш мумкин бўлади.

Принципиал тортишувлар ва ҳақиқий баҳс-мунозаралар — қонун ижодкорлигининг муҳим омиллари

Хисобот даврида Қонунчилик палатасининг энг муҳим йўналиши бўлган қонун ижодкорлиги фаолиятини янада самарали ташкил қилишга қаратилган ишлар тизимли равишда давом эттирилди.



Нигоҳ

БИРДАМЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК

Ислохотларни давом эттириш йўлидан — умумий улкан мақсад сари

2023 йилнинг 9 июль санаси жонажон Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Халқимиз ўз бирдамлигини, ҳамжиҳатлигини, келажакка қатъий ишончи ва ёруғ умидларини яна бир бор намоён этган кун сифатида миллий солномамиз варақларини беади.

Шу куни муддатидан илгари ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида юртдошларимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар бардавомлиги учун овоз берди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ушбу сиёсий жараёнда иштирок этган сайловчиларнинг 87,05 фоиз овозини олиб, янги муддатга сайланди. Буюк ўзбек йўли янгича зийнат билан кенг қўлаб ва суръатда изчил давом этадиган бўлди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқи мамлакатда ислохотларни давом эттириш ва жадаллаштириш мақсадларига содиқлигини исботлаб,



келажақ сари қомил ишонч билан интилмоқда. Сайланган етакчи билан бирга қудратли ва тараққий этган, инсон манфаатлари ва кадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган давлатни қуриш йўлидан илдам бормоқда.

Халқимизнинг бугунги руҳияти кўтаринкилик, жипслик, бунёдкорлик туйғуларига лиммо-лимки, бу донишманд боболар айтган улуг бир ҳикматни эслатади:

Гўзал кунлар келишини кутма,
Унга томон бормоғингни

унутма!

Фикр

АРАБ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 19 июль куни Марказий Осиё мамлакатлари ва Қўрғаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши етакчиларининг биринчи саммитида иштирок этди ва бир қатор илгор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари нутқида Марказий Осиё ва Қўрғаз минтақаси халқларини азалдан яқин савдо алоқалари, муштарак қадрият ва урф-одатлар, энг муҳими, муқаддас ислом динимиз ҳамбарчас боғлаб туриши таъкидланди. Чиндан ҳам Ўзбекистон ва Қўрғаз араб мамлакатларини географик жиҳатдан яқинлик, умумий тарих, дин ва маданият бирлаштириб туради.

Тарихда араб дунёси ва Марказий Осиё мамлакатлари ягона маданий ва иқтисодий макон доирасида бўлган. Бу ҳозирги кунда ҳам уларнинг ўзаро алоқаларида муҳим аҳамиятга эга. Дунё мусулмонларини бирлаштириб турувчи муқаддас қадамжолар Саудия Арабистонида жойлашгани ҳам мазкур муносабатларни мустаҳкамловчи муҳим омиллardan бири ҳисобланади.

Араб дунёси билан Марказий Осиё минтақасини бирлаштирувчи тарихий омиллarga эътибор қаратадиган бўлсак, бу жуда мустаҳкам заминга эга эканига гувоҳ бўлаемиз. Мамлакат етакчиси нутқида келтирилганидек, Мовароуннахр ва Арабистон диёрлари ўртасидаги тарихий алоқаларни ривожлантиришда буюк мутафаккир ва аллома боболаримизнинг бекиёс хизматлари борлигини фахр билан эслаймиз. Муҳаддислар пешвоси — улуг аллома Имом Бухорий ана шундай сиймолардан бири.



ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ

депутатлик корпусидан янгича ишлашни тақозо этмоқда

Конунчилик палатасининг ўтган даврдаги қонун ижодкорлиги фаолиятида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси, “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида олиб борилаётган изчил ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга устувор аҳамият қаратилди.

Конунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаларини кўмиталар ва сиёсий партиялар фракцияларида кўпроқ муҳокама этиш амалиётига алоҳида эътибор берилди. Қонунчилик палатаси томонидан ҳисобот даврида жами 49 та қонун қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилди. Шундан 10 таси янги қонун, 26 таси ахлит қонун, 7 таси жамлама (16 та қонун лойиҳасини ўз ичига олган), 6 таси ратификация этишга доир қонундир.

Депутатлар корпусининг қонун ижодкорлиги фаолияти сезиларли даражада самарали кечди. Бутун бир соҳани тартибга солувчи ҳажм жиҳатдан катта бўлган бир қатор ахлит қонунлар қўриб

равишда тўлаш тизимини янада содда-лаштиришга, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари ўз вақтида ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

“Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан аёлларга нисбатан жисмоний ёки жинсий зуравонлик қилиш, уларни қонунда тақиқланган ишларга мажбурлаганлик, шунингдек, 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар учун жазо чоралари оғирлаштирилди.

Бундан ташқари, шахс ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи, шаъни ва номусини камситувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун қатъий жиноий жавобгарлик белгиланди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишонч-

қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига (regulation.gov.uz) ва Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтига (parliament.gov.uz) жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди. Натижада мазкур қонун лойиҳаси юзасидан фуқаролардан 1 344 та тақлиф ва фикр-мулоҳаза келиб тушди. Ушбу тақлифлардан лойиҳани такомиллаштиришда фойдаланилди.

Мазкур рақамнинг ўзи ҳам халқимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти тобора юксалиб бораётгани, қонунчилик жараёнларида дахлдорлиги ошиб, парламент томонидан қабул қилинаётган қонун лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳаза билдиришга иштиёқи ортаётганини кўрсатади.

Таъсирчан парламент назоратида қуруқ танқид билан чекланилмайди

Кейинги йилларда ваколат доираси кенгайиб бораётган Қонунчилик палатасида янги вазирни тайинлашдан олдин уларнинг режалари билан танишиш ва маъқуллаш механизми самарали амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, соҳалар бўйича кўмиталар ва комиссиялар вакиллари вазирларга қайси йўналишда ёки ҳудудда иш яхши кетмаётганини кўрсатиб, камчиликлар бўйича жойига қиқчиш, аҳоли фикрини ўрганиб, масалага биргаликда ечим топиши яхши анъанага айланиб улгурган. Мазкур анъана депутатларнинг вазирлик ва идора-

лик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан жами 13 мартаба ахбороти эшитилди. Парламент назоратининг муҳим шаклларида бири ҳисобланган “парламент эшитуви” жамият ҳаётидаги долзарб муаммо ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, ижро ҳоқимияти эътиборини қаратиш орқали уларни самарали ҳал этиш имконини бермоқда. Сайловчиларни қўйиб келаётган тизимли масалаларни ечиш ҳамда муаммолар юзага келишининг олдини олиш борасида таъсирчан парламент ва депутатлар назоратини амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси ҳамда уларнинг ваколатларига қирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асосланган қонунларни тўшунтириш бериш ёки нўқтай назарини баён этиш талаби билан 8 та парламент сўрови юборилди.

Мазкур парламент сўровларининг юборилиши натижасида ички ишлар органлари томонидан аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш, автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш, қоидабузарлик учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларида сақлаш, мактабларда қўшимча ўқувчи ўрнини яратиш ҳамда мактабларнинг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш борасидаги қатор муаммоларни ҳал этиш чоралари қўрилди.

Кейинги йилларда “ҳукумат соати” институти турли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда парламентнинг ҳукумат билан ўзаро ҳамкорлигидаги энг самарали усуллардан бирига айланмоқда. Айни чоғда депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти давомида сайловчилар томонидан кўтарилаётган масалалар ҳамда жойларда аҳолини ташвишлан-тираётган масалаларни ҳукумат аъзоси олдида қўйиш ҳамда уларга ечим топишда натижадорликка эришишда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида 3 мартаба “ҳукумат соати” ўтказилди.

Парламент назорати йўналишида Қонунчилик палатаси кўмиталари томонидан ҳам муайян ишлар қилинди. Ҳисобот даврида Қонунчилик палатаси кўмиталари томонидан жами 90 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Депутатларнинг жойларда ўтказган ўрганишлари, сайлов округларида ўз сайловчилари билан учрашувлари давомида ҳамда фуқаролар-

нинг мурожаатларида кўтарилаётган долзарб муаммоларни ҳал этиш учун давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига жами 52 та депутат сўрови юборилди.

Депутат ва сайловчининг алоқалари ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланиши керак

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотларнинг боришини ўрганиш, Қонунчилик палатасининг қонун ижод-

Қонун ижодкорлиги фаолияти

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган қонунлар



корлиги ва назорат-таҳлил фаолияти, фракциялар иш тартиби ҳақида аҳолига ахборот етказиш, амалдаги қонунчиликнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлашда депутатларнинг сайловчилар билан жойлардаги учрашувлари муҳим аҳамият касб этади.

Сайлов округларидаги фаолияти давомида депутатлар томонидан маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари-га амалий ёрдам кўрсатилди, улар ишчи самарали ташкил қилишга кўмаклашилди. Муҳими, ушбу жараёнларга бевосита маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам жалб этилди.

Умуман, сайлов округларида олиб борилган фаолияти давомида депутатлар томонидан жами 3 975 та хонадонга таширф буюрилиб, 2 230 та учрашув ўтказилди. Уларда 73 мингдан зиёд фуқаролар, шу жумладан, 6 мингдан ортиқ тадбиркорлар билан бевосита учрашув ва мулоқотлар уюштирилди ҳамда 1 588 та ижтимоий соҳа объекти-нинг фаолияти билан танишилди.

Депутатларнинг сайлов округларида-ги фаолияти сайловчилар билан яқин алоқалар мунтазамлигини таъминлаш, аҳоли ва сайловчиларни йўналираётган, жамият олдида турган муаммо ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш имконини бермоқда. Шунингдек, бу аҳолининг кайфиятини, ислохотларга нисбатан муносабатини яқиндан ўрганишга ҳамда уларнинг мамлакат ҳаётига дахлдор ма-

Халқ сўзи

салалар юзасидан муҳим қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирокида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Парламентлараро ҳамкорлиқнинг юқори босқичи

Халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва парламентлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш Қонунчилик палатаси фаолиятининг муҳим йўналишларида бири ҳисобланади. Шу боис ҳисобот даврида Қонунчилик палатасининг хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро ташкилотлар билан кўп қирра-ли ва самарали алоқалари изчил давом эттирилди.

Қонунчилик палатасининг мазкур фаолияти Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда жорий йилги давлат дастурига айна йўналишда белгиланган устувор ва муҳим мақсадларни амалга оширишга қаратилди. Бу билан парламент халқаро майдонда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда илгари суришга асосланган ташқи сиёсий йўлнинг фаол иштирокчисига айланди.

Жумладан, Қонунчилик палатасининг Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Давлат Думаси билан ҳамкорлиги бўйича парламентлараро комиссияси, Олий Мажлисининг Сингапур Республикаси парламенти ҳамда Вьетнам Социалистик Республикаси Миллий мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлари тузилди. Бугунги кунга келиб, парламентлараро дўстлик гуруҳлари сони 58 тага етди.

Парламентлараро тузилмаларнинг ташкил қилиниши ва фаолият юритиши мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўлмали ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш, парламентлараро ҳамкорлиқни янада жадаллаштириш, Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш учун яқин алоқаларни ўрнатишга хизмат қилмоқда.

Навбатдаги устувор вазифалар белгиланиди

Қисқача айтганда, мамлакатимизда кечаётган шиддатли ислохотлар парламент фаолиятига ҳар кун янгича руҳ ва мазмун-моҳият олиб киришни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, парламент фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштириш борасидаги ишларни янада кучайтириш, палатада тузилган комиссиялар фаолиятини жонлантириш, парламент назорати тадбирлари янқларни бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини доимий равишда мониторингдан ўтказиб бориш каби бир қатор устувор вазифалар белгилаб олинди. Бу каби омиллар Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил соҳасидаги фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мадина ПАРМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Парламент ахборот маркази раҳбари ўринбосари —
Матбуот котиби.

чиқилиб, қабул қилинди. Хусусан, “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги, “Тупроқнинг муҳофиза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида”, “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Пробация тўғрисида”ги, “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Давлат ҳисоби-дан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган, халқимиз фаровонлигини оширишга, аҳолига қўшимча енгилликлар яратишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қатор қонунлар ҳам қабул қилинди. Жумладан, “Маъмурий жарималарни тўлашда аҳолига қўшимча қулайликлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 332-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги Қонун билан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан жариманинг 50 фоизини ўн беш кун ичида ёки 70 фоизини ўттиз кун ичида ихтиёрий равишда тўлаш тартиби жорий қилинди. Мазкур тартиб суд қарорларига асосан қўлланиладиган жарималарга нисбатан ҳам татбиқ этилиши белгиланди.

Ушбу қонун билан маъмурий жарималарни тўлашда аҳолига қўшимча қулайликлар яратилди. Бу маъмурий жарималарни тўлашда жарималар юқини камайтиришга ҳамда уни ихтиёрий

ли ҳимоялашга, оила институтини мустаҳкамлашга ҳамда жамиятдаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашга йўл очади.

Депутатлар томонидан сайловчилар кўтарган масалалар, фуқароларнинг мурожаатлари, сайлов округларидаги ўрганишлар жараёнида аниқланган масалаларга ҳуқуқий ечим топишга қаратилган жами 6 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатасига қўриш учун киритилди.

Ҳисобот даврида қонун лойиҳаларини жамоатчиликни кенг жалб қилиб, фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини ўрганган ҳолда тайёрлашга, қўриб чиқилаётган лойиҳалар юзасидан аҳоли ўртасида очик муҳокамалар ўтказишга устувор аҳамият қаратилди. Шундан келиб чиқиб, ушбу даврда қонунларнинг сифатли, халқчил бўлиши ва жамоатчиликнинг қонун ижодкорлигидаги фаол иштирокчини таъминлаш мақсадида бир қатор қонун лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Хусусан, депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқ асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва

ларнинг фаолиятини танқид қилиш билан чекланиб қолмасдан, ечимини кутаётган масала бўйича конструктив тақлифни бера олиши билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муҳтасар айтганда, вазир фаолиятини самарали ташкил этишда парламентдаги кўмита, комиссия ва депутатларнинг ҳам ўрни ва роли ошиб боришида парламент назоратининг таъсирчан шаклларидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзоларининг, давлат ва ҳўжа-



СУД ҲОҚИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Маълумки, янгиланган Конституциямиз мамлакатимиз тараққиёти ва жамиятимиз ривожига ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда бекиёс аҳамиятга эга. Зеро, Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамиятда қонунчилик ва суд ҳоқимиятининг чинакам мустақиллигини тўла таъминлашга устувор даражада эътибор қаратилган.

Нўқтай назар

Бош қомусимизнинг 130-моддасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши ҳамда суд ҳоқимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳоқимият, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритиши белгиланган.

Судьялар мустақил экани, фақат Конституция ва қонунларга бўйсунishi, уларнинг одил судловни амалга оширишга доир фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашшга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши каби муҳим нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Тавкидлаш жоизки, судьяларнинг мустақил ва қонунчилик асосида иш юритиши Конституция даражасида қафолатларининг асосий сабабларидан бири суд ҳоқимиятига бошқа ҳеч қайси орган ваколатлига тааллуқли бўлмаган ҳуқуқ — одил судловни амалга ошириш ҳуқуқи берилгани билан изоҳланади. Зеро, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида белгиланган бўлиб, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлашда одил судлов аҳамияти бекиёсдир. Одил судлов жамият ҳаётида, фуқаролар ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтиришда, инсонларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Едингида бўлса, мустақилликнинг дастлабки йилларида Конституцияда назарда тутилган судьяларнинг мустақиллиги таъминланди.

ни амалга оширишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинган эди. Мисол сифатида Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик ва Иқтисодий процессуал кодексларини ҳамда “Судлар тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармон ва қарорларини келтириш мумкин.

Бироқ мамлакатимиз босиб ўтган иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани, тадбиркорлик ва хусусий сектор кенгайиши давлатимизни янада барқарор ва жадал сурбат билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда таъминларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Суд ҳоқимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишга қаратилган мутлақо янгича босқичга қадам қўйиш ҳам ҳаётий заруратга айланди.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 21 октябрда қабул қилинган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон судьялар мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishiга доир конституциявий нормани амалда тўла рўёбга чиқаришга замин яратди.

Давлат раҳбарининг “Ўзбе-

кистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармониде эса судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришга оид қатор чора-тадбирлар назарда тутилди.

Хусусан, судья лавозимига бўлишининг илк мартаба беш йиллик, кейин ўн йиллик муддатиде ва шундан сўнг муддатсиз даврини белгилаш, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малага комиссияси неғизиде суд ҳоқимияти органи сифатида Судьялар олий кенгашини ташкил қилиш, судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш механизмини, шу жумладан, унинг асосларини аниқлаштириш орқали тақомиллаштириш ва суд расмларининг судьяларга нисбатан интизомий иш қўзғатишга оид ваколатини тугатиш, Олий судга адлия органлари умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатларини ўтказиш қабилар белгилаб берилган.

Судья лавозимига бўлишининг бу тартиби судьядан зиммасига юклатилган вазифани намунали ва виждонан бажаришни талаб этиши билан бирга, лавозимга кейинги муддатга қайта сайланиши ёки тайинланиши, ўз вазифаларини намунали адо қилган кейинги даврга сайланиши ёки тайинланиши учун рағбатлантирувчи қоида ҳам ҳисобланади. Судья лавозимига бўлишининг юқори ёшини белгилаш судьялар мустақиллигини қафолатлаш билан бир қаторда, мамлакатимизда профессионал судьялар корпусини шакллантиришга, суд тизимини етук, юқори маалаки, одил судлов соҳасида катта тақрибага эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, ҳалол ва бенуқ-

сон обрў-эътиборли судьялар билан тўлдиришга, уларнинг бой тажрибаларидан кенг фойдаланишга ҳамда барқарор судьялар мактаби вуҷудга келишга замин яратди.

Суд ҳоқимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган яна бир муҳим тадбирлардан бири — судьялар ҳамжамияти органи сифатида Судьялар олий кенгашини ташкил қилиш, унинг таркиби камиде 50 фоизи судьялар ҳисобида шакллантирилиши ва унга суд ҳоқимиятининг мустақиллигини таъминлашга доир бир қатор ваколатлар берилиши назарда тутилгандир.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунда ушбу тузилманинг фаолиятига оид масалалар тўлиқ ўз ифодасини топди. Мазкур кенгаш конституциявий мақомага эга бўлди. Конституциянинг 135-моддасига қўра, ушбу кенгаш судьялар ҳамжамияти мустақил органи бўлиб, у судьялар корпуси шакллантирилиши, суд ҳоқимияти мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлайди.

Янги қабул қилинган Конституцияга мувофиқ, Судьялар олий кенгаши раиси ва унинг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноин Олий Мажлис Сенати томониде беш йиллик муддатга сайланади. Эътиборли жиҳати шундаки, айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг раиси, раис ўринбосари этиб сайланиши мумкин эмаслиги конституциявий норма билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу билан бирга, судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги, судьялар дахлсизлиги, судьянинг ва унинг оила аъзоларининг хавфсизлиги давлат

томонидан таъминланиши ўз ифодасини топан.

Судьяни муайян иш муҳокамасидан четлаштириш, унинг ваколатларини бекор қилишга ёки тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга ўтказишга қафат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга қўра йўл қўйилиши, суднинг қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши судьяни лавозимидан озод этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмаслиги судьялар учун суд ҳоқимияти мустақиллигининг конституциявий қафолатлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги таъминлирини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш Тараққиёт стратегиясида устувор йўналиш сифатида белгиланиши ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида “Хабас корпус” институти янада ривожлантириш орқали тергов устидан суд назоратини кучайтириш, судлар тизимига “ягона дарча” таъминлирини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъи назар, қабул қилиш ва ваколатли судга юбориш ҳамда муайян иш доирасида барча ҳуқуқий оқбатларни ҳал қилиши таъминлаш тизими жорий этилмоқда.

Умуман, юртимизда суд органлари нуфузини ошириш, судьяларнинг чинакам мустақиллигини ва қафат қонунларга асосланиб иш юритишини таъминлаш қафолатларини кучайтириш борасидаги сай-ҳаракатлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Зеро, суд ҳоқимияти чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳуқуқий демократия давлат ва қучли фуқаролик жамиятининг энг муҳим шартларидан биридир.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚИЗГИН ЖАРАЁНЛАРНИНГ ҚИСҚА ТАФСИЛОТЛАРИ

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси томонидан “Метрология тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимча киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш ишлари якунига етказилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан метрология хизматларини кўрсатиш соҳасига хусусий секторни кенг жалб этиш ҳамда эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Келаётган ҳафта бошида сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари йигилишлари бўлиб ўтиши режалаштирилган. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилиши белгиланган.

Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг 2023 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида қўриб чиқилиши режалаштирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, комиссиянинг низомида ўз фаолияти тўғрисида Қонунчилик палатасининг мажлисида ҳар олти ойда ахборот тақдим этиши белгиланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИГА МУВОФИҚ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

◀1 Европа парламентининг инсон ҳуқуқлари бўйича қўйи кўмитаси раиси, БРМни амалга ошириш бўйича ҳаммаърузачи Удо Буллман Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг молиявий жиҳатларига эътибор қаратди. Унинг сўзларига кўра, аъзо давлатлар бюджетларини 2030 йилгача бўлган даврда БМТ кун тартиби доирасида белгиланган мақсадларга мослаштириш зарур. “Бюджет тузилмаларини ислоҳ қилиш ва мақсадларни амалга ошириш учун мустаҳкам молиявий заминни яратиш учун уларга БРМни интеграция қилиш муҳимдир”, дея қўшимча қилди у. Депутат, шунингдек, асосий инфратузилмаларни тақомиллаштиришга қачирди, уларнинг ёрдамида фуқароларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини, уларнинг замонавий технологиялардан фойдаланиш шароитларини кенгайтириш мумкинлигини айтди.

Удо Буллман қайд этганидек, бу турмуш даражасини ўстиришга, тиббий ва таълим хизматларининг ривожланишига кўмаклашади.

Швейцария парламенти аъзоси, ЕХХТ Парламент Ассамблеяси раиси Маргарета Седерфельт Ўзбекистоннинг парламентларини миллий ва жаҳон миқёсида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда фаол иштирок этиш борасидаги саяҳатларини олқишлади. У мамлакатимиз томонидан БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича юқори даражадаги сиёсий форуми доирасида БРМни амалга ошириш юзасидан иккинчи Ихтиёрий миллий шарҳи муваффақиятли тақдим этилганига юқори баҳо берди.

“Ушбу нутқ жуда фойдалидир. Мен уни диққат билан ўқиб чиқдим. Бу мамлакатнинг аниқ-равшан муваффақиятлари ва яқин келажақ учун белгиланган мақсадларни рўйишган намойиш этади”, деди у.

Унинг сўзларига кўра, бу Ўзбекистоннинг БРМни ўз вақтида ва тўлиқ бажаришга қатъий содиқлигини тасдиқлайди.

БМТ Тараққиёт дастурининг давлат бошқаруви гуруҳи раҳбари Сара Листер парламент мавзуси ва қонунчилик органлари аъзолари БМТ

кун тартибиди ҳар қачонгидан ҳам фаол эканини қайд этди. “Биз ушбу ижобий тенденцияни чин дилдан қўлаймиз”, деди у. БМТ Тараққиёт дастури вакили бунга кўп жиҳатдан Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан БРМга эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг роли тўғрисида қабул қилинган махсус резолюция ёрдам берганини ва бу биринчи ҳужжат бўлиб, қонун чиқарувчи органларнинг ушбу соҳадаги саяҳатларини рағбатлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратганини таъкидлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси аъзолари, ўз навбатида, иштирокчиларни Ўзбекистон парламенти томонидан барқарор ривожланишнинг миллий мақсадлари ижросини таъминлаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар билан таништирди. 2030 йилгача бўлган даврда миллий мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш юзасидан махсус тузилган Парламент комиссиясининг фаолияти тўғрисида маълумот берилди.

Қайд этилганидек, Парламент комиссияси қонунчилик, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги алоқаларни илгари суриш орқали БРМни амалга ошириш жараёнида инклюзивлиқни таъминлашга кўмаклашмоқда.

Халқ фаровонлигини юксалтириш, инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш бўйича 100 та аниқ вазифани ўз ичига олган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ижроси изчил олиб борилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мақсадларнинг 60 фозиди БРМни бевосита ўзиди ифода этиши таъкидланди.

Тадбир интихосида қатнашчилар Ўзбекистонга унинг етакчилиги ва БРМни амалга оширишда парламент салоҳиятини илгари суриш борасидаги фаол саяҳатларнинг учун миннатдорлик билдирди. Бош Ассамблеянинг юқорида қайд этилган тарихий резолюциясини амалда татбиқ қилиш борасида ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш ва ушбу кун тартибиди БМТ платформасида астойдил мустаҳкамлаш бўйича қатъий содиқлик тасдиқланди.

МИСР КОМПАНИЯСИ ЖИЗЗАҲДА ШАКАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРАДИ

Ўзбекистон элчиси Мансурбек Қиличев Мисрнинг йирик шаккар ишлаб чиқарувчи корхоналаридан бири “Nile Sugar” компанияси ижрочи директори Эмад Фарид билан учрашув ўтказди.

Сўхбат давомида компания томонидан Ўзбекистондаги инвестициявий лойиҳаларга сармоа киритиш, жумладан, Жиззах вилоятида қанд лавлага етиштириш ва шаккар ишлаб чиқаришнинг тўлиқ цикли лойиҳасини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Эмад Фарид жорий йил 28-29 май кунлари “Ораском Инвестмент Холдинг” компанияси бошқарув кенгаши раиси Нағиб Савирис бошчилигидаги делегация таркибиди Ўзбекистонда бўлганини ва давлатимиз раҳбари билан учрашувини мамнуният билан эслашини қайд этиб ўтди. У, шунингдек, сафар чоғида Ўзбекистон Президенти бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳот ва янгилианишларга гувоҳ бўлганини билдирди. Хорижий сармоядорларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг шароит ва имтиёзлар мавжудлиги, қулай инвестициявий муҳит яратилгани алоҳида таъкидланди.

Сўхбатдош Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг ри-

вожлангани, ерларнинг унумдорлиги, сув таъминоти ахирилиги, хусусий фермерларни бирлаштирадиган ягона давлат тизими мавжудлигидан хабардорлигини билдирди.

“Ушбу омилилар “Nile Sugar” компанияси томонидан мамлакатингизда шаккар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳасини бажаришга туртки бўлмоқда. Компаниямиз учун Жиззах вилояти ҳудудида ажратилиши режалаштирилган 52 минг гектар ер майдонида қанд лавлага етиштириш ва шаккар ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ўз ичига олган умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларига тенг йирик инвестициявий лойиҳани амалга оширишга тайёрмиз”, деди Эмад Фарид.

Мисрдаги дипломатик миссия маълумотига кўра, Ўзбекистонда бизнес бошлаш имкониятлари билан танишиш, Жиззах вилоятидаги ерлар унумдорлигини ўрганиш учун 17 — 21 июль кунлари “Nile Sugar” компанияси делегацияси мамлакатимизда бўлди.

Маълумот учун: “Nile Sugar” компанияси 2006 йилда мисрлик миллиардер Савирислар оиласи томонидан ташкил этилган. Компания қанд лавлага етиштириши ва шаккар ишлаб чиқариши билан шуғулланади. Корхонанинг шаккар заводи Искандария портидан 50 километр узоқликда жойлашган бўлиб, 2010 йилда фойдаланишга топширилган. Лавлагини қайта ишлаш бўйича номинал ишлаб чиқариш қуввати кунига 7,5 — 11 минг тоннага тенг.

«Дунё» АА.

АРАБ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Мусулмон дунёсидаги олти буюк муҳаддиснинг иккитаси заминимизда тугилиб камол топган. Бухоро “Қуббатул Ислом” номи билан шўхрат қозongan. Тўққизинчи аср бошида Аббосийлар давлати пойтахтидаги “Донишмандлар уйи” деб ном олган академияда Марказий осийлик 200 дан ортиқ алломулар илмий фаолият юритган.

Давлатимиз раҳбари минтақаларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорлиқни қўйидаги йўналишларда кенгайтириш юзасидан қатор тақлифларни билдирди.

Биринчиси — сиёсий соҳада кенг қамровли алоқани турли форматларда ривожлантириш, давлатлар ва халқларимизни яна-

да яқинлаштириш мақсадида келгусида кўп томонлама Дўстлик, минтақалараро боғлиқлик ва ҳамкорлик битимини ишлаб чиқиш масаласини биргаликда ўрганиш;

Иккинчиси — юқори технология ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик, хусусан, рақамлаштириш, инновация, сунъий интеллект, “яшил” иқтисодиёт, “ақлли” қишлоқ ҳўжалиги ҳамда нано ва биотехнологиялар бўйича ҳамкорлик платформалари ва ишчи механизмларини яратиш, мамлакатларимиз бизнес вакиллари иштирокида Қўшма инвесторлар кенгашини таъсис этиш ва унинг дастлабки ййгилишини Самарқанда ўтказиш, шунингдек, “яшил энергетика” лойиҳаларини

биргаликда амалга ошириш мақсадида алоҳида “Йўл харитаси”ни қабул қилиш;

Учинчиси — савдо ва транспорт боғлиқлигини кучайтириш, Кўрфаз давлатлари билан эркин савдо режимини жорий этиш, техник регламентларни уйғунлаштириш ва электрон тижоратни ривожлантириш, транспорт ва транзит соҳасида Ўрта транспорт коридорида энг мақбул тарифларни қўллаш, мавжуд мультимодал йўлақлардан кенг фойдаланиш ва тўғридан-тўғри авиақатновларни мақсадли субсидиялаш ёрдамида кўпайтириш, Кўрфаз давлатларини энг яқин ва қулай йўл орқали минтақамиз билан боғлайдиган Трансафғон темир

йўлини қуриш стратегик лойиҳасида Кўрфаз давлатлари фаол иштирокини таъминлаш;

Тўртинчиси — юртимизда очилаётган Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети негизида биргаликда халқаро тадқиқотлар дастурини тайёрлаш;

Бешинчиси — туризм соҳасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш, бу борада “Кўрфаз — Марказий Осиё” ягона визасиз сайёҳлик маконини ва туристлар учун мўлжалланган замонавий кластерларни яратиш, қўшма туристик маҳсулотларни кўпайтириш, бундан ташқари, минтақаларимиз етакчи сайёҳлик операторлари форумини 2024 йилда

Ислом дунёсининг туризм пойтахти, деб эълон қилинган Хива шаҳрида ўтказиш.

Умуман, “Кўрфаз араб давлатлари — Марказий Осиё” олий даражадаги биринчи саммитида ўзаро ҳамкорлик истикболига қаратилган долзарб тақлифлар илгари сурилди. Шу маънода, саммитни Ўзбекистон учун халқаро муносабатлар йўналишида муҳим бир янги дипломатик қадам сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, мазкур қадам яқин истикболда икки минтақа алоқаларини янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Абдуғани САНГИНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ИККИ МИНТАҚА МАМЛАКАТЛАРИ УЧУН ТАРИХИЙ ИМКОНИЯТ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши — Марказий Осиё” олий даражадаги биринчи саммитидаги иштироки ва унда илгари сурилган тақлифлар халқаро жамиятнинг диққат-эътиборида бўлиб турибди.

Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши (КАДҲК) ўзининг мустаҳкам минтақавий бирлиги ва улкан иқтисодий салоҳияти билан Марказий Осиё учун қимматли шерик ҳисобланади. Ушбу ташкилот дунёдаги етакчи молиявий марказлардан бири эканлиги мазкур бирлашманинг аҳамиятини янада оширади. Сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар интеграциянинг аниқ фойдаланган мақсадлари бирлашмани Марказий Осиёдаги ушбу муҳим соҳаларни ривожлантиришда самарали ҳамкорга айлантиради.

Ўзбекистон учун ушбу саммит кенг имкониятлар, хусусан, КАДҲК аъзолари билан дипломатик ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, фан, технология, sanoat ва қишлоқ ҳўжалиги каби муҳим тармоқларда самарали ҳамкорлиқни янада яхшилашга хизмат қилиши билан айна муваддоир.

Осиё халқларини муқаддас ислом дини, муштарак қадриятлар чамбарчас боғлаб туради. Мовароуннахр олимлари эса барчамизнинг фахримиздир.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган бешта муҳим йўналишни қайд этди. Улар савдо-иқтисодий, инвестициявий, озик-овқат хавфсизлиги, маданий-гуманитар соҳаларни ўз ичига қамраб олгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, Ўзбекистон раҳбари сиёсий соҳада кенг қамровли ҳамкорлиқни турли форматларда ривожлантириш мўҳимлигини кўрсатиб ўтди. Биродар давлатлар ва халқларни янада яқинлаштириш мақсадида келгусида кўп томонлама Дўстлик, минтақалараро боғлиқлик ва ҳамкорлик битимини ишлаб чиқиш масаласини ўрганиш тақлиф этилди.

Иккинчи йўналиш — юқори технологиялар ва инвестициялар соҳасидаги шериклик. Давлат раҳбари инновациялар, сунъий интеллект, “яшил” иқтисо-

диёт, рақамлаштириш, “ақлли” қишлоқ ҳўжалиги, нано ва биотехнологиялар соҳаларидаги ҳамкорлик платформалари ва ишчи механизмларини яратиш зарурлигини ургуллади. Бизнес вакиллари иштирокида Қўшма инвесторлар кенгашини таъсис этиш ва унинг дастлабки ййгилишини Самарқанда ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Учинчи йўналиш — савдо ва транспорт боғлиқлигини кучайтириш. Давлатимиз раҳбари Кўрфаз давлатлари билан эркин савдо режимини жорий этиш, техник регламентларни уйғунлаштириш ва электрон тижоратни ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шу муносабат билан кўп томонлама Савдо битимини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаласи ўртага ташланди.

Транспорт ва транзит соҳасида Ўрта транспорт коридорида энг мақбул тарифларни қўллаш, Афғонистон орқали мавжуд мультимодал йўлақлардан кенг фойдаланиш, тўғридан-тўғри авиақатновларни мақсадли субсидиялаш

ва хавфсизликка эришиш масалаларига тўхталиб ўтди. Зеро, минтақалар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик истикболи, транспорт йўлақларини қуриш келажаги ҳам Афғонистондаги тинчликка боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим.

Умуман, “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидидаги биринчи саммит азалий савдо алоқалари, умумий қадриятлар ва аънавлар, муқаддас ислом дини билан боғлиқ бўлган икки минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада ривожлантириш нуктаи назаридан жуда муҳим. Шу боис ҳам Марказий Осиё минтақаси стратегик географик жойлашуви ва муҳим бозор салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда бутун дунё, жумладан, араб давлатларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Саммитда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар эса Марказий Осиё ва Кўрфаз давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан таҳсинга лойиқ.

Абдулмалик АҚРМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар янада жадаллашади

Бугунги Ўзбекистон халқи кечаги халқ эмас, улар эртанги кунига, келажагига беварқ эмас. Фуқароларимизда Ватан тараққиёти, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси юксак. Буни яқинда янгиланган Конституциямиз асосида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги иштироки ва овоз бериш натижалари ҳам яққол кўрсатди.

Муносабат

Юртдошларимиздаги ана шу фаоллик ва дахлдорлик ҳисси давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида алоҳида эътироф этилди. Айни чоғда мамлакатимизда сўнгги йилларда изчил амалга ошириб келинаётган туб ислоҳотлар барча соҳада янгилаш суръатда давом эттирилиши ҳам таъкидландики, бу биз учун айни муваддоир.

Хусусан, хотин-қизлар йўналишидаги саяҳатларини олиб кўрайлик. Аввало, хотин-

қизларга юксак эҳтиром кўрсатиш янада халқимизга хос эзгу қадрият эканлиги ва бу борадаги ишлар кейинги йилларда янги босқичга кўтарилганини мамнуният билан қайд этиш жоиз. Зеро, оила ва жамиятнинг тинч, мустаҳкам ва фаровон бўлишида, фарзандлар тарбиясида мунис аёлларимизнинг ўрни ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Қолаверса, бугунги кунда жамиятимизда олиб борилаётган ўзгариш ва янгилианишлар жараёнига улар ҳам катта ҳисса

қўшаётганини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Нутқда янги Ўзбекистонни — аёллари ҳаётдан рози бўлиб, бахтли-саодатли яшайдиган мамлакатга айлантириш мақсади ҳам айтилдики, бу бутун халқимизни бирдек қувонтирди, десак, муболага бўлмайди. Зотан, ғамхўр оналаримиз, дунис опа-сингилларимиз, мил-бар қизларимиз ҳаётимиз файзи ва кўржи экан, уларни қўллаш бутун халқимизни қўллаб-қувватлашни англатади.

Аниқ айтадиган бўлсак, келгуси етти йилда улар ҳуқуқ ва манфаатларини, сифатли таълим олишини таъминлаш ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенглик масалалари бундан буюн ҳам энг асосий вазифаларимиздан бўлиб қолади. Ва айни чоғда, қийин

аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар учун ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш хизмати бугунги кун талаби асосида кенгайтирилади.

Бундан ташқари, зўравонликка учраган аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Call-марказларни ташкил қилиш чоралари ҳам кўрилади.

Яна бир қувончли ташаббус шуки, туғуруқ таътилидаги аёллар учун онлайн ишлаш тизимини жорий этишнинг ҳуқуқий асослари яратилади.

Кўриниб турибдики, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар бундан кейин янада жадаллашади. Бу жараёнда барчамиз фаоллик кўрсатсак, нур устига нур бўлади.

Абира ҲУСЕЙНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ХИТОЙЛИК АКАДЕМИК АХСИКЕНТ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ҚАТНАШАДИ

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида жойлашган уч минг йилликка яқин тарихга эга Ахсикент харобалари мозийдан сўзлаётгандек гўё.

Изланиш



Ўз даврида дунё тамаддунида муносиб мавқега эга бўлган қадимий шаҳар ўрнидаги тарихий ёдгорлик бугун жаҳон, хусусан, кенг илмий жамоатчилик эътиборини

тортиб келмоқда. Кейинги йилларда бу ерда изланишлар кўлами тобора кенгайиб бораётёр.

Мажмуага ташриф буюрган Халқаро ма-

тематика конгресси аъзоси, хитойлик академик Йонгбин Руан ҳам кўҳна шаҳарда олиб борилаётган тадқиқотларда қатнашишга қарор қилганини очиклади.

— Ўттиз йилдан буюн математика илмидан ташқари археология билан ҳам шуғулланаман, — дейди жаноб Руан. — Ахсикентга келишимизнинг боиси илмий ва техник имкониятларимиздан келиб чиқиб, сунъий интеллект ёрдамида археологик изланишларга кўмак бериш. Бу орқали тарихни чуқур ўрганиш имконияти пайдо бўлади. Бирор топилма ҳақида сунъий идрок орқали барча маълумотни аниқ билиш мумкин. Амалий ишларга киришиладиган вақт ҳам узоқ эмас — келгуси йил бу ерга олимлар, археологлар жамоаси билан келамиз.

Хитойлик меҳмон билан Ахсикент ёдгорлиги ҳудудидаги барча археологик объектлар, уларда амалга оширилаётган ишлар бўйича ўзаро кенгаш ўтказилди.

Айни пайтда Ахсикент археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси “TourismLab” маркази билан биргаликда Олий таълим, фан ва инновацияларда вазирилик бошчилигида фундаментал лойиҳалар ишлаб чиқмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Инвестиция

ОЧИҚ УСУЛДА КЎМИР ҚАЗИБ ОЛИНМОҚДА

Олтинсой туманидаги Ҳўжаипок маҳалласи ҳудудида инвестиция дастури асосида кўмир қазиб олиш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

“Турон эко кўмир” масъулияти чекланган жамияти томонидан истиқболли лойиҳа учун 600 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, корхонага Хитой ва Италиядан замонавий ускуна ва жиҳозлар олиб келинаётёр. Шу тарика корхонада йилгига 360 минг тонна кўмир қазиб олиш, шундан 5 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилган. Натжидада 1000 нафар маҳаллий аҳоли доимий иш ўрнига эга бўлади.

— Айни кунларда туманда бир неча йирик инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш чора-тадбирлари кўриляпти, — дейди Олтинсой тумани ҳокими ўринбосари Азизжон Раҳимов. — Хусусан, хорижий сармоядорлар маблағи эвазига кўмир конини ўзлаштириш ишлари бошланди.

Таъкидлаш жоизки, 1944 ҳамда 1998 йилларда ҳам ушбу кўмир конини очишга уринишлар бўлган. Аммо иқтисодий муаммолар бунга йўл бермаган эди.

Шу тарика янгидан амалий ишларга киришилиб, майдони 205 гектарни ташкил этувчи қондан очик усулда кўмир қазиб олиш бошлаб юборилди. Юқори ёнғувчанлик хусусиятига эга кўмир маҳсулоти, асосан, sanoat корхоналари учун муҳим ёнғилиқ манбаидир.

Корхонани 2024 йили тўлиқ қувват билан ишга тушириш режалаштирилган.

Илҳом РАҲМАТОВ,
(«Халқ сўзи»).

Ўзбек миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти

Толиб КАРИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия билдиради.

Тахририятга келган кўаёзмалар тақриз қилинмайди ва муамлига қайтарилмайди.	• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 55-уй.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган тапшилот жавобгар.	Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров. Мусахҳиҳ — С. Исломов.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.	
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.	